

Ражонинг даражалари | Тазкия дарслари (249-дарс)

ТАЗКИЯ
249-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of an elderly man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored traditional Islamic garment. He is seated and appears to be speaking or gesturing with his hands. The portrait is set against a decorative background with floral patterns.

19:00 / 01.10.2023 1232

1. Авомларнинг даражаси.

Савобнинг ҳосил бўлиши ила оқибатнинг яхши бўлиши.

2. Хосларнинг даражаси.

Розилик ва яқинликнинг ҳосил бўлиши.

3. Хосларнинг хосининг даражаси.

Шухудга имкон топиш ва Маликул Маъбуднинг сирларига тараққий қилишнинг зиёда бўлиши.

Баъзида «Хавф афзалми ёки ражоми?» дея сўралади. Уламолар: «Бу каби савол нотўғри бўлиб, худди «Нон афзалми ёки сув?» деганга ўхшайди», дейдилар.

Бундай ҳолатда «Албатта, очга нон, чанқаганга сув афзал», деган жавоб берилади.

Агар иккиси жам бўлса, қай бири ғолиб эканига қаралади. Очлик ғолиб бўлса нон, чанқоқ ғолиб бўлса, сув афзал бўлади.

Агар очлик ва чанқоқ баробар бўлса, нон ва сув иккиси ҳам баробар бўлади.

Хавфу ражо қалб хасталиклари учун икки даводир. Уларнинг фазли ҳам мавжуд дардга қараб бўлади.

Агар қалбга ғолиб бўлиб турган нарса Аллоҳ таолонинг макридан омонлик ғурури дарди бўлса, унга хавф дориси афзал бўлади.

Агар қалбдаги дард Аллоҳ таолонинг раҳматидан ноумидлик ёки маъсиятга ружу қўйиш дарди бўлса, унга ражо давоси муносиб бўлади.

Умуман, бу каби масалаларда «афзал» сўзини ишлатишнинг ўзи ҳам дуруст эмас. Унинг ўрнига «муносиб» сўзини ишлатиш яхши бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, одамларнинг кўпчилиги учун ражодан кўра хавф муносиброқ. Чунки уларнинг ичида маъсият ғолиброқдир.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.